



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“15” апрель 2021 й. № 02-06/1841

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга
қарши курашиш қўмитасининг барча
худудий бошқармалари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) куриш, ўрнатиш, уларга ер ажратиш, тўловларни аниқлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш ва бошқа масалаларни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган ҳамда қисқа муддатларда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, ушбу қарор билан тасдиқланган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти талабларига кўра, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) техник ҳолатини текшириш ундан келгусида фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек эскириш даражасини ва фойдаланиш жараёнида юзага келган носозликлар туфайли лойиҳадан четга чиқиш имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади (12-банди).

Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) техник ҳолатини текшириш даврийлиги ваколатли орган томонидан текшириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, беш йилда бир мартадан кам ва икки йилда бир мартадан кўп бўлмаган муддатда белгиланади (24-банд).

Ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) техник ҳолатини текшириш қуйидагиларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади:

конструкция устунлари ва ердаги асосини деформациялашуви натижасида юзага келган конструкция тузилишидаги ўзгаришлар;

ташқи реклама объектларидан (конструкцияларидан) фойдаланиш натижасида етказилган зарарларни аниқлаш мақсадида конструкцияни маҳкамлаш ёки унга вақтинча устун вазифасини ўтайдиган деворлар, устунлар ва мосламалар ҳолати;

улагичлар ҳолати ва чўзилувчанлик даражаси;

коррозия (емирилиш) зарарлари даражаси;

пайвандлаш уламалари ҳолати;

конструкция элементларида механик зарарларнинг мавжудлиги;

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: JT44833728

коррозияга қарши ва бошқа ҳимоя қатламларининг ҳолати;

бетон ва темирбетон буюмлардаги носозликлар ва уларнинг даражаси (26-банд).

Юқоридаги қарор талабларидан келиб чиқиб, Сиздан, республика ҳудудида жойлашган барча турдаги ташқи реклама объектларини (конструкцияларини), ундан келгусида фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек эскириш даражаси ва фойдаланиш жараёнида юзага келган носозликлар туфайли лойиҳадан четга чиқиш имкониятларини аниқлаш мақсадида техник тафтишдан ўтказилишини таъминлаш чораларини кўришингизни сўраймиз.

Шу билан биргаликда, қурилиш конструкцияларини техник тафтишдан ўтказиш фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги лицензиясига эга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган корхоналар рўйхати маъумот учун юборилмоқда.

Илова ___ варақда.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов